

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

152 Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими-ни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон қарорини бажариш юзасидан ва республика тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2012 — 2015 йилларда кечиктириб бўлмайдиган ва шошилиш тиббий ёрдам хизматларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дастури 1-иловага мувофиқ;

2012 — 2015 йилларда онкология хизматининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дастури 2-иловага мувофиқ;

Халқаро молиявий институтларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари ҳисобига 2012 — 2015 йилларда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини юқори технологияли анжомлар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) дастури 3-иловага* мувофиқ;

Силга қарши муассасаларни қайта жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологияли анжомлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Жаҳон банки билан биргаликда амалга ошириладиган «Саломатлик-3»

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лойиҳаси доирасида шаҳар тиббиёт-профилактик ёрдам бирламчи бўғинини оилавий тиббиёт тамойили бўйича фаолият кўрсатишга ўтказишни 2016 йилга бориб тугаллаш назарда тутилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 5-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича республиканинг 50 минг кишидан кўп аҳолиси бўлган шаҳарларидаги мавжуд 169 та поликлиника муассасаси негизида 155 та оилавий поликлиника ташкил этишга доир тақлифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги таҳрирдаги Республика ихтисослаштирилган тиббиёт маркази Кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари Кенгашларининг таркибларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини, уларнинг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, меҳнат жамоасига тўланадиган дивидендлар ҳисобидан ҳар йили моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

2012 йил 1 июлгача — Республика ихтисослаштирилган кўз микрожарроҳлик марказини ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказини;

2013 йилда — Республика ихтисослаштирилган урология марказини ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказини, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини ҳамда Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказини белгиланган тартибда акциялаштиришни таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги акциялаштирилаётган республика ихтисослаштирилган марказлари устав фондларида давлат номидан акциядор ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2012 — 2015 йилларда, 6 ва 7-иловаларга* мувофиқ 142 та туман (шаҳар) тиббиёт муассасасини ва 45 та силга қарши муассасани уларнинг шох-бачалари мақбуллаштирилиши муносабати билан тугатиш;

6 ва 7-иловаларга мувофиқ тугатилиши керак бўлган объектларни келгусида улардан оқилна фойдаланиш, шу жумладан уларни хусусийлаштириш ёки кейинчалик бўшайдиган ер участкаларини маҳаллий давлат хоки-

* 5 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

мияти органлари тасарруфига берган ҳолда, белгиланган тартибда бузиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиб уларни техник текширувдан ўтказиш;

8-иловага* мувофиқ 2012 — 2015 йилларда бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган стационар муассасалардаги ўринлар фондиди мақбуллаштириш, шунингдек бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича зарур ташкилий-техник чора-тадбирлар кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига, асосан ижтимоий соҳа объектларини қуришга ихтисослашадиган пудрат ташкилотларини жалб этган ҳолда, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва танлов савдолари ўтказишни;

соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилишни намунавий лойиҳаларга қатъиян мувофиқ равишда ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва қоидаларига, шунингдек фойдаланиш хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда амалга оширишни;

соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг тасдиқланган параметрлари белгиланган муддатларда ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 март,
91-сон

* 8-илова рус тилидаги матнда берилган.

Вазирлар Махкамасининг
2012 йил 29 мартдаги 91-сон қарорига
1-ИЛОВА

152-модда

**2012 — 2015 йилларда кечиктириб бўлмайдиган ва шошилич тиббий
ёрдам хизматларининг моддий-техника базасини янада
ривожлантириш ва мустаҳкамлаш
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Суммаси	Молиялаштириш манбалари
I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш					
1.	Умумий тармоқли кўчма бригадалар, реанимация тадбирларини ўтказиш бригадалари, шунингдек шошилич тиббий ёрдам ва фавқулудда вазиятларда ёрдам кўрсатиш бригадалари учун тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий, тегишли халқаро талабларга мос бўлган стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
2.	Мулкчилик шаклларида ва идоравий мансублигидан қатъи назар, тез тиббий ёрдам хизмати бўйича ягона ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	-	Бажарувчилар маблағлари
3.	Шошилич тиббий ёрдам ва тез тиббий ёрдам хизматларининг штат нормативларини, халқаро талабларга мувофиқ ҳамда кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги технологиялари ва методларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган ходимлар сони доирасида мувофиқлаштириш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
4.	Тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини, шошилич тиббий ёрдам хизматида хизмат кўрсатиладиган қақириншлар ва кўрсатилган тиббий хизматлар ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда зарур бўладиган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
5.	Шошилич, кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдам бўйича, ягона диспетчерлик-мувофиқлаштириш хизмати иш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

— 14 —

14 (514)-сон

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Суммаси	Молиялаштириш манбалари
II. Аҳолига тез, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш					
6.	Тез тиббий ёрдам хизматини Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари билан янада интеграциялаш таъминланишини ҳисобга олган ҳолда тез, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилич тиббий ёрдам хизмати тизимида ягона диспетчерлик-мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш.	2013 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида
7.	Хизмат кўрсатиладиган чақиришлар тоифаларига мувофиқ тез тиббий ёрдам хизмати таркибини, шу жумладан: а) умумий тармоқли бригадаларни — хизмат кўрсатиш қувватининг 85 фоизидан; б) ихтисослаштирилган бригадаларни — хизмат кўрсатиш қувватининг 15 фоизидан иборат этиб ўзгартириш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
8.	2012 — 2015 йилларда тез, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилич тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автотранспорт билан таъминланганлигини 100 фоизгача етказиш, шунингдек автопаркни янгилаш, шу жумладан: умумий тармоқли бригадалар учун — йилига 100 та автомашина (жами 400 та); ихтисослаштирилган бригадалар учун — йилига 15 та автомашина-реанимобиль (жами 30 та) билан таъминлаш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	9 630,0 млн сўм	Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маблағлари
9.	Республика шошилич тиббий ёрдам марказини наркоз-нафас олдириш аппаратлари (10 та), каравот ёнига қўйиладиган ҳаёт таъминоти мониторлари (50 та), ўпкани сунъий вентиляциялаш аппаратлари (10 та), рақамли рентген-аппарат комплекти (1 та), УТТ аппарати (2 та), магнит-резонанс томографи (1 та) ҳамда бошқа тиббий ва лаборатория-ташхис анжомлари билан қўшимча таъминлаш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги	5 200,0 минг АҚШ доллари	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари, Халқаро молия институтлари грантлари ва имтиёзли кредитлари
10.	Тез тиббий ёрдам хизматини тиббиёт анжомлари ва ускуналари, шу жумладан портатив электр-кардиограмма аппаратлари, дефибриляторлар, ўпкани сунъий вентиляциялаш аппаратлари, Амбу қопчалари, иммобилизация воситалари, тиббиёт қутчалари ва шу кабилар билан қўшимча таъминлаш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	780,0 минг АҚШ доллари	Халқаро молия институтлари грантлари ва имтиёзли кредитлари
11.	Тез, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам хизмати учун тасдиқланган нормативларга мувофиқ дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлашни босқичма-босқич яхшилаш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	-	Бюджет маблағлари доирасида

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Суммаси	Молиялаштириш манбалари
12.	Шошилинч тиббий ёрдам тизимидаги диспетчерлик-мувофиқлаштириш хизматини замонавий радиоалоқа тизимлари ва дастурий таъминланган компьютер анжомлари билан жиҳозлаш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1 860,0 млн сўм	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек Халқаро молия институтлари грантлари ва имтиёзли кредитлари
13.	Биринчи навбатда чақириқ жойларида аҳолига тезкор ва малакали ёрдам кўрсатишга қодир бўлган ихтисослаштирилган врачлар бригадалари тайёрлашга йўналтирилган тез тиббий ёрдам тиббиёт ходимлари малакасини ошириш.	2012 йил II чоракдан бошлаб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
14.	Тез, шошилинч тиббиёт ёрдами хизмати мутахассисларини уларнинг малакасига, қарорлар қабул қилишда касб маҳоратига ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига баҳо бериш юзасидан даврий асосда аттестациядан ўтказиш.	2012 йил II чоракдан бошлаб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари

Жами харажатлар:

миллий валютада — 11,5 млрд сўм;

АҚШ долларларида (халқаро молия институтларининг грантлари ва имтиёзли кредитлари) — 5,98 млн АҚШ доллари.

**2012 — 2015 йилларда онкология хизматининг моддий-техника
базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари
I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш					
1.	Барча онкология муассасаларини (диспансерларини) методик жиҳатдан Республика онкология илмий марказига бўйсундириш, унга профилактика ишларини ташкил этишнинг вертикал интеграциялашган тизимини ҳамда хавфли ўсмаларни аниқлаш юзасидан скрининг тадқиқотларини жорий этиш ҳисобига саратон касалликларини барвақт аниқлашни таъминлаш вазифаларини юклаш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
2.	Онкологик беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг замонавий стандартларини ҳамда даволаш-ташхис қўйиш, онкология хизматининг профилактик фаолиятини регламентловчи норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
3.	Тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги технологиялари ва методларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда онкология хизмати штат нормативларини белгиланган ходимлар сони доирасида халқаро талабларга мувофиқлаштириш.	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
4.	Вилоятлар ва шаҳарлар онкология диспансерлари даражасидаги скрининг тадқиқотларига мансуб бўлган онкология хизматидаги патологиялар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2013 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари
II. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш					
5.	Онкология хизмати учун линияли тезлатгичлар, компьютер томографлари, дозиметрик анжомлар комплектилари, масофадан туриб нурлантириш учун гамма-терапия аппаратлари, ички қорин гамма-терапияси учун аппаратлар, С-Агм рентген аппаратлари, ультратовушли рақамли сканерлар, лапароскопик анжомлар, дуадена-фиброскоплар, колонофиброскоплар, бронхофиброскоплар ва коогуляторлар сотиб олиш. Тизимнинг профилактика фаолиятини ривожлантириш ва хавfli ўсмаларни барвақт аниқлаш мақсадида анжомлар, шу жумладан ПЦР-анализаторлар, иммуногистокимёвий тадқиқотлар ўтказиш ва онкомаркерларни аниқлаш учун ускуналар ва реактивлар комплектилари, шунингдек аёллар сут беzi саратони касалини барвақт аниқлаш мақсадида скрининг-марказларга маммографлар сотиб олиш учун хорижий кредитлар ва грантларни ишлаб чиқиш ва жалб этиш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	32 190,0 минг АҚШ доллари 5 810,0 минг АҚШ доллари	Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағлари Халқаро молия институтлари грантлари ва имтиёзли кредитлари
6.	Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятларидаги вилоят онкология диспансерларида радиология бўлимлари ташкил этиш, 13 та вилоят онкология диспансерларида таъмирлаш-реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	55 540,0 млн сўм	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари
7.	Онкология хизматини тегишли сарфлаш материаллари, дори-дармонлар комплектилари ва биринчи навбатда зарур бўладиган тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	-	Бюджет маблағлари доирасида
III. Саратон касали бўйича профилактика, барвақт ташхис қўйиш ва даволаш самардорлигини оширишни такомиллаштириш					
8.	Аҳоли ўртасида саратон касали профилактикасининг энг самарали методи сифатида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, чекишга, кучли алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишга қарши, оқилонга овқатланишни кенг ёйиш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Экосан» жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	131,7 млн сўм	Бажарувчилар маблағлари

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари
9.	Аҳоли ўртасида хавфли ўсмаларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш тўғрисида тиббий ва гигиена билимларини оммалаштириш мақсадида ахборот-маърифий ишларни амалга ошириш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Миллий телерадиокомпания	61,6 млн сўм	Бажарувчилар маблағлари
10.	Онкология касалликларини барвақт аниқлаш мақсадида аҳолини скрининг текширувларидан ўтказишни ташкил этиш ва таъминлаш.	2013 йилдан бошлаб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бюджет маблағлари доирасида
11.	Хавфли ўсмаларни эрта босқичларида аниқлаш учун тадқиқотларнинг молекуляр-биологик ва иммуноферментли замонавий методларини жорий этиш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
IV. Онкология хизматида тиббий хизматлар кўрсатиш сифати юзасидан назоратни кучайтириш					
12.	Туман даражасидан республика даражасигача бўлган кўламда онкологик беморлар бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратиш ва жорий этиш.	2012 йил II чоракда — яратиш, 2012-2013 йилларда — жорий этиш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги	-	Бюджет маблағлари доирасида
13.	Онкология соҳасидаги тиббиёт ходимларининг профессионал даражасини ва улар томонидан кўрсатиладиган ихтисослаштирилган ёрдам сифатини янада яхшилаш мақсадида онкология хизмати тиббиёт ходимлари малакасини ошириш.	2012 йил II чоракдан бошлаб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
14.	Республика онкология илмий маркази ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти базасида онкология касалликларини профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш масалалари бўйича профессионал даражани ошириш мақсадида умумий амалиёт врачлари ва бошқа ихтисосликлар врачлари учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этиш.	2012 йил II чоракдан бошлаб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари
V. Онкология соҳасидаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш					
15.	Шишган хужайраларнинг молекуляр биологияси бўйича фундаментал тадқиқотларни кенгайтириш, генетик nobарқарорлик ва канцерогенли агентлар ва хужайраларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнларини ўрганиш, ўсмаларга қарши препаратлар, генетик мутация иштирокидаги хавфли ўсмаларнинг дори-дармонларга нисбатан барқарорлигининг молекуляр механизмларини ўрганиш.	2012 — 2015 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бюджет маблағлари доирасида

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар	Харажатлар	Молиялаштириш манбалари
	Онкология касалликларининг асосий шаклларини комплекс даволаш методларини ишлаб чиққан ҳолда саратон касали бўйича ташхис қўйиш ва даволашнинг янги самарали методларини яратишга доир илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш.				
16.	Онкология касалликлари бўйича ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий методларини кооперациялаш ва жорий этиш мақсадида халқаро ташкилотлар ҳамда етакчи хорижий илмий марказлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш.	Доимо	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-	Бажарувчилар маблағлари

Жами харажатлар:

миллий валютада — 55,7 млрд сўм;

АҚШ долларарида (халқаро молия институтларининг грантлари ва имтиёзли кредитлари) — 38,0 млн АҚШ долларари.